

Ўзбекистонлик қори халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этади



05:48 / 22.09.2018 3075

Шу йилнинг октябрь ойида Мадина шаҳридаги Масжидун Набавийда Қуръон ҳифзи, тиловати ва тафсири йўналишларида халқаро мусобақа бўлиб ўтади. Унда 82 давлатдан 115 киши иштирок этади, дея хабар бермоқда ЎМИ Матбуот хизмати.

Ушбу мусобақада юртимиз шарафини “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси-2018”нинг “Олий мукофот” соҳиби Йўлдошбек қори Нуриддинов ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу мусобақа Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида 40 йилдан бери илк бор ўтказилмоқда.